

## Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири жиноятчиликка қарши кураш, хусусан унинг олдини олиш сифатида белгиланди. Ўтган йиллар давомида бу борада амалга оширилган туб ислохотлар натижасида Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги яхлит тизими шаклланди.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устуворлиги *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши кураш амалиётида энг самарали йўналиши эканлигида; *иккинчидан*, қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатишда; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган, кучга кираётган, ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда таъсир қилиш, уларни осонлик билан, кам куч сарфлаган ҳолда, қисқа муддатда бартараф этиш, таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш имконига эгалигида; *тўртинчидан*, жиноятчиликка қарши кураш тизимидаги энг инсонпарвар ва кам харажатли усуллар қўлланиладиган фаолият эканида; *бешинчидан*, комплекс чоратадбирларни, жумладан иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа шу каби чораларни биргаликда амалга ошириш имкони бўлган фаолият эканлигида; *олтинчидан*, ҳозирги даврда ҳуқуқий демократик жамият қуриш шароитларига бевосита мос келиши ва ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, халқ оммасининг фикрига таяниш тамойилларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлмоқда.

Жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг энг самарали ва айни пайтда инсонпарвар йўналиши – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳисобланади<sup>2</sup>. Шу сабабли ҳам, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Ривожланган демократик мамлакатлар амалиётини ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги жуда муҳим ва самарали воситалардан бири – ушбу қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларнинг қабул қилиниши, бу борадаги давлатимиз позициясини аниқ кўрсатиб турибди. Масалан, мустақиллик йилларида жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига бевосита хизмат қиладиган бир қатор қонунлар хусусан,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси, капитан.

<sup>2</sup> Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1996. – Б. 5.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди. Айниқса Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ягона қонун доирасида ҳуқуқий тартибга солиш имконини берди.

7 та боб, 51 та моддадан иборат бўлган ушбу қонунда умумий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари ҳамда якуний қоидалар белгилаб берилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини кофолатловчи яхлит тизимнинг ажралмас қисмидир. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, қонуннинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, *биринчидан*, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги назарий-ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этди, *иккинчидан*, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонуности меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги зиддиятлар ва ноаниқликларга, шунингдек фаолият олиб боровчи субъектлар ваколатларидаги ноаниқлик ва такрорланишларга барҳам берди, *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, жумладан ички ишлар органларининг ушбу соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда унинг бошқа давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга асос бўлди.

Қонунда «ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш», «ғайриижтимоий хулқ-атвор», «ҳуқуқбузарлик», «ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс» каби тушунчаларнинг берилганлиги амалиётда бугунги кунда шундай атамаларни бир хилда тушуниш ва қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

Шу ўринда мисол тариқасида айтадиган бўлсак, илгари биргина ҳуқуқбузарлик тушунчасига юридик адабиётларда турли хил таърифлар берилиб, айримларида «ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қилмиш» деб кўрсатилган бўлса, айримларида «ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун интизомий, фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилган қилмиш» деб эътироф этилар эди.

Эндиликда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида бу тушунчага аниқ таъриф берилган, яъни «**ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)».

**Қонунинг яна бир муҳим аҳамияти** унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари ва асосий принципларини белгилаб берганида намоён бўлади. Бинобарин, қонуннинг 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги асосий вазифалари кўрсатилган:

– шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

– жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Қонуннинг 5-моддасида қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари сифатида белгилаб берилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг **аҳамиятли жиҳатларидан яна бири** унда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатларининг аниқ белгилаб берилганлигидир.

Қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари, 8-моддада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу соҳадаги ваколатлари қайд этилган бўлса, 9-моддада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб берилган. Булар:

– ички ишлар органлари;

– прокуратура органлари;

– Миллий хавфсизлик хизмати органлари;

– адлия органлари;

– давлат божхона хизмати органлари;

– давлат солиқ хизмати органлари;

– меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари;

– таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

– давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

– Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органлари.

Қонуннинг 10-моддасидан токи 19-моддасига қадар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳар бирининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида берилган ваколатларни таҳлил қилиш орқали уларни мазмунига кўра иккига:

а) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча органлар ва муассасаларга хос бўлган умумий ваколатлар;

б) ушбу субъектларга қонун ҳужжатлари билан юклатилган асосий вазифалардан келиб чиққан ўзига хос махсус ваколатларга ажратиш мумкин.

Умумий хусусиятли ваколатлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

– умумий ёки муайян йўналишдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларга берилган ўзига хос махсус ваколатларни, Қонуннинг 11-моддаси, яъни **прокуратура органларининг** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари мисолида кўрадиган бўлсак, прокуратура органларига қуйидаги махсус ваколатлар берилганлигини айтиб ўтиш мумкин, булар:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати қонун билан прокуратура органларига берилган.

Шунингдек, қонуннинг 20-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида **прокуратура органлари ҳузурида** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиши белгиланган.

Ушбу моддада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларга қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан назорат қилиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришда, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ахборотни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш, таҳлил қилиш ҳамда ундан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш.

Таркибида ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятининг ташкилий шакли ҳисобланади.

Ушбу кенгашларга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа органлар ва муассасалардан зарур бўлган ахборотни, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш ваколати берилган.

**Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири** – унинг 21-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки ҳам аниқ белгилаб берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинишига қадар юридик адабиётлар ва манбаларда ҳуқуқбузарликлар

профилактикасининг турлари хақида ҳам турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Қонуннинг қабул қилиниши ушбу қарама-қаршилиқларга барҳам берди ва 6-моддада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси аниқ белгиланиб, 3, 4, 5 ва 6-бобларда уларнинг ҳар бирининг тушунчаси, ўз ичига камраб олган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берилди.

*Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олди-ни олиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти бўлиб, қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда бу ҳақда тақдимномалар киритиш.

*Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти бўлиб, қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;
- алкогольни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик восита-ларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Қонунда қайд этилганидек, айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асос бўлади.

*Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти бўлиб, қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

- профилактик суҳбат;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Қонунда ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг кўрсатилган чора-тадбирларининг ҳар бирини қўллаш тартиби, айниқса белгиланган тоифадаги шахсларни профилактик ҳисобга олиш, уни юритиш ва профилактик ҳисобдан чиқариш тартиблари аниқ белгилаб берилган.

Шу ўринда айтиш керакки, қонун амалга киритигунга қадар амалиётда ички ишлар органлари томонидан ўн икки тоифадига шахсларга нисбатан профилактик ҳисоб юритилган ва бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоровий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлса, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ қуйидаги шахслар профилактик ҳисобга олиниши белгилаб қўйилди:

– илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;

– ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

– ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165<sup>1</sup>, 183, 184, 184<sup>1</sup>, 184<sup>2</sup>, 184<sup>3</sup>, 187, 188, 188<sup>1</sup>, 189, 189<sup>1</sup>, 190, 191, 201, 202, 202<sup>1</sup>, 240, 241-(28 та) моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

– ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг, айниқса профилактик ҳисобни юритиш масалаларининг қонун даражасида тартибга солинганлиги сўзсиз ушбу соҳада шахс ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилди. Қолаверса, қонуннинг 42-моддасида ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб берилган.

*Ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти бўлиб, бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси тушунчаси илгари фақат юридик адабиётларда учраган бўлса, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун билан ушбу тушунча илк бор ҳуқуқий жиҳатдан ҳам амалиётга жорий этилди.

Бундан ташқари, Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг молиявий ва моддий-техник таъминоти ҳамда бошқа бир қатор масалалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Жамиятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга таъсир қиладиган асосий омиллардан бири айтиш керакки, жамиятдаги ҳуқуқий маданиятнинг нечоғли даражада эканлиги масаласидир.

Шу сабабли ҳам, ушбу қонуннинг ижросини таъминлашда масъул давлат органлари ва ташкилотлар томонидан: *биринчидан*, қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-услугий материаллар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши ва кенг жамоатчилик аҳлига етказиши; *иккинчидан*, қонун ижросини таъминловчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи қонуности ҳужжатларга тегишлича қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; *учинчидан*, қонун ижросини таъминлаш амалиётининг доимий мониторинги ва унинг натижаларини таҳлил қилиб боришни таъминлаш (Зеро, «... ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини самарали амалга ошириш бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни мунтазам мониторинг қилиб боришни, уларнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада мослиги ва амал қилишини кузатиб боришни талаб этади»); *тўртинчидан*, қонуннинг ижросини таъминлаш борасида ўз мажбуриятларини бажармаётган ёки етарлича бажармаётган субъектларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш, шу жумладан ушбу соҳадаги кенг қўламли ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиққан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунини жамият ҳаётига татбиқ этиш зиммамизга бир қатор вазифаларни қўяди. Жумладан:

*Энг аввало*, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини уни ўз



фаолиятида қўлловчи субъектларга, қолаверса аҳолининг барча катламларига етказиш, бу борада оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда тизимли равишда кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу қонун нормаларини жамият ҳаётига самарали татбиқ этиш бўйича илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ходимлари билан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талабларини амалда самарали қўллаш, бу борадаги ҳамкорликни ташкил этишга йўналтирилган махсус семинар-тренинглар ташкил этиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни нормаларини амалий фаолиятга жорий этишга хизмат қилувчи қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қонунга шарҳлар ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш, қонун ижросининг ташкилий ва моддий-техник асосларини яратиш лозим.

Фикримизча, юқорида келтирилган мулоҳазалар ҳуқуқбузарликлар профилактика соҳасидаги қонун ҳужжатларининг самарали таъминланиши билан бирга, жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.